

ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА ЁШЛАР ТАРБИЯСИДА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВНИНГ ФАЛСАФИЙ ЖИХАТЛАРИ

Хуршид Абдирасулович МИРЗААХМЕДОВ

профессор в.б.

социология фанлари бўйича (PhD) фалсафа доктори

Наманган давлат университети

Наманган, Ўзбекистон

ORCID ID: 0000-0001-6026-2262

Аннотация

Мақолада янги давр ёшларининг интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш, инновацион фикрлашини шакллантириш, уларни ижодкорлик ва янгиликларга йўналтириш, рақобатбардошлигини ошириш масалалари фалсафий жиҳатдан таҳлилга тортилган. Ёшлар тарбиясига инновацион ёндашиш борасида таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Таянч сўзлар: глобаллашув, ёшлар, тарбия, инновация, онлайн, таҳдидлар, миллий, интизом ва масъулият.

ФИЛОСОФСКИЕ АСПЕКТЫ ИННОВАЦИОННОГО ПОДХОДА К ВОСПИТАНИЮ МОЛОДЕЖИ В УСЛОВИЯХ ГЛОБАЛИЗАЦИИ

Хуршид Абдирашидович МИРЗААХМЕДОВ

и.о. профессора

Доктор философии (PhD) по социологическим наукам

Наманганский государственный университет

Наманган, Узбекистан

ORCID ID: 0000-0001-6026-2262

Аннотация

В статье подвергнуты философскому анализу вопросы повышения интеллектуального потенциала молодежи нового поколения, формирования у них инновационного мышления, ориентации на творчество и новшества, а также повышения их конкурентоспособности. Разработаны предложения и рекомендации по внедрению инновационного подхода в процесс воспитания молодежи.

Ключевые слова: глобализация, молодежь, воспитание, инновация, онлайн- угрозы, национальная дисциплина и ответственность.

Глобаллашув даврида давлатлар ўртасидаги муносабатларнинг янги поғонаси онлайн (интернет) шакли оммалашди. Онлайн алоқалар, ўз навбатида, ижобий жиҳатлари билан бир қаторда ахборот маконида ўзаро сиёсий-маънавий мураккабликларни ҳосил қилиб, таълим-тарбия қобиғи, яъни онлайн таълим маконида ахлоқий тизимни издан чиқариш кайфиятини [12] ҳам пайдо қилди. Инсоният тарихида совуқ уруш тугаб унинг янги

гибрид кўринишлари пайдо бўлаётгани дунё халқларини таҳликага солиб кўймоқда. Замонавий гибрид таҳдидлар эса ёшлар маънавиятида кўп ёқлама иммун қобиғининг ривожлантирилиши заруратини келтириб чиқармоқда.

Шу боис ҳозирги Ўзбекистоннинг 10.2 млн. аҳолиси бўлган ёшлар қатламининг маълум фоизида кундалик ҳаётига ижтимоий зарарли одатлар сифатидаги таҳдидларга: яширин гиёҳвандлик (янги синтетик моддалар); онлайн қимор ва онлайн ўйинларга қарамлик; зўравонликка мойиллик (реал ва виртуал); экстремистик ғояларга берилиш; порнография ва номақбул контентга қарамлик; энергетик ичимликлар ва стимуляторларга қарамлик каби иллатларга вақтларини сарфлашлари, уларда интолерантлик, худбинлик, бепарқлик, лоқайдлик, бегоналашув, жиззакилик, нигилизм натижасида салбий рақамли бегона авлод шаклланишига сабаб бўлмоқда. Масалан, онлайн ўйинларга бугунги Ўзбек жамиятида ёшларнинг ҳамма нарсасига қизиқувчи, ўрганувчи, талабчан бўлган илк болалик (1-3 ёш), ёш болалик (4-7 ёш), болалик (8-12 ёш), ўсмирлик (13-16 ёш) ва ўспиринлик (17-21 ёш), етуқлик (22-35 ёш) даврини ўтаётган қатламларини банд қилиб, ижтимоий-психологик ҳолатини издан чиқариш орқали янги онлайн қуллик даврининг бошланаётганлиги [11] билан ўз тасдиғини топмоқда. Натижада ёшларнинг ижтимоий кайфияти, мўлжали, мақсад-муддаоларида интернетнинг янги «виртуал таҳдидлар»и қарор топишга улгурди. Яъни, онлайн трейдерлик, онлайн брокерлик, онлайн букмекерлик, виртуал казино, онлайн қимор, онлайн лотерея, онлайн видеоўйин, онлайн фирибгар авлоди пайдо бўлмоқда.

Шундан кўришиб турибдики, бугунги инновацион капитал дунёда ривожланиб келаётган давлатлар аҳолиси пул топиш ва истемолчилик жамиятида яшаш кайфиятининг ошиб кетиши ёшлар фалсафасидаги ватанпарварлик ахлоқи трансформациялашаётганлигида ўз исботини топмоқда. Яъни ёшлар феноменининг ватанпарварлик ҳис-туйғуси кескин суръатда тушиб кетиш ҳоллари, истемолчилик кайфияти эса 90 %га ошиб кетишига гувоҳ бўлиш мумкин. Давлат келажакини белгиловчи ёшларнинг

онги ва қалбини ифбатли сақлаб қолиш учун ҳар бир ота-она тарбияда кескин инновацион ёндашиши кераклигини талаб этмоқда. Бундай вазиятда ёшлар тарбиясида оддийликдан қочиб инновацион ёндашиш, янги (оилавий) ювенологик иммун муҳитини яратиш ҳар қачонгидан ҳам долзарб масала ҳисобланмоқда. Шу боис, инсоният тарихининг энг муҳим жиҳати ёшлар фалсафаси, уларнинг ҳар томонлама дунёқарашининг кенглиги, ижтимоий фаол ҳатти-ҳаракатларга тайёрлиги билан давлат сиёсатининг мақсад-муддаосини белгилаб беради. Зеро миллат ҳар доим ўзининг тақдирини ёшларнинг фел-атворида кўрган.

Ёшлар фалсафаси – бу ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш механизмларини ижтимоий-фалсафий таҳлил қилишдир. Ёшлар фалсафаси қуйидаги вазифаларни ўз ичига олади:

- ёшларнинг интеллектуал имкониятларини ривожлантириш;
- ёшларни ижодкорлик ва янгиликка йўналтириш;
- ёшларнинг ўзини ўзи такомиллаштириши;
- ёшларнинг танқидий ва инновацион фикрлашини шакллантириш;
- ёшларда ахлоқий қийматларни шакллантириш.

Тарбия ва инновацион тарбия тушунчаси. Тарбия – шахсда маънавий-маданий, ижтимоий-ахлоқий, жисмоний-руҳий фазилатларни пайдо қилишга қаратилган ижтимоий-педагогик жараён ҳисобланади. Тарбия инсонни оила, маҳалла, таълим ва касб муассасаларида ўқиш, ишлаш, яшаши учун муҳим бўлган фазилатлар йиғиндисидир.

Инновацион тарбия – шахс тарбиясида ҳалқнинг минг йилдан бери шаклланиб келаётган маънавий-маданий, ижтимоий-ахлоқий, жисмоний-руҳий қадриятларига асосланган миллий тарбия муҳити, замонавий қадриятлар ва ахборот технологияларига асосланган янги иммун тарбия жараёни ҳисобланади.

Ёшлар тарбиясида инновацион муҳитни шакллантириш учун аввалига бугунги ёшларнинг эҳтиёжи, хоҳиш-истак ва мўлжалларини аниқлаб олиш орқали тарбия муҳитига олиб кира оламиз. Истеъмолчилик жамияти

ёшларининг эҳтиёжи ва хошиш-истаклари замонавий ҳаётда юқори ижтимоий мақомга эга бўлиш ҳисобланиб, уларнинг бу фаолиятини тўғри йўналтириш учун таълим ва тарбияда хориж тажрибасидан миллий хусусиятни сақлаган ҳолда унумли фойдаланиш орқали ёшларда турли хил гибрид иллат ва таҳдидлар шаклланишининг олдини олган бўламиз.

Ёшлар фалсафаси бўйича ижтимоий таҳлил. Ёшлар ҳаётида «Ёшлар тарбияси» бўйича ўтказилган ижтимоий сўровномада: «Бугунги ёшларнинг айримларида учраётган шахсий ахлоқсизлик сабаблари» деган савол берилди. Сўровномада қатнашганлар 1300 нафар респондентдан иборат бўлиб, ундан 474 нафар респондент (36 %) «Тарбияда ота-она иштирокининг пасайиши», 437 нафари (33 %) «Беҳаё расм-видеоларни тамоша қилиниши», 230 нафари (26 %) «Таълимга нисбатан совуққонлик», 159 нафар респондент (19 %) эса «Ижтимоий тармоққа боғланиб қолиш»ни ифодаловчи жавобни белгилаб, бугунги трансформациялашаётган жамият ёшлари ҳаётида ота-она иштирокининг пасайиши таълимга нисбатан совуққонликни келтириб чиқармоқда, бу эса жамиятда лоқайдлик, бефарқлик ва бегоналашув билан ижтимоий сабр маданиятига заруратни тасдиқлади [10].

Ёшлар фалсафасида янгича ёндашувлар. Глобаллашув муҳитида ўсиб-улғаяётган ёшлар тарбияси борган сари нозик ва мураккаблашмоқда. Уч кун фарзанди билан тарбиявий муносабат ўрнатмаган ота-она ўртасида бегоналашув жараёни кузатилмоқда. Ёшлар тарбиясида инновацион ёндашиш учун *таклиф ва тавсиялар* ишлаб чиқдик:

жамиятда ижтимоий комиллик талабларини шакллантириш ва ривожлантириш керак;

оилада фарзанд тарбиясида жинс субъекти: қиз – она, ўғил – ота тарбия технологиясига эътибор бериш зарур;

амалий тарбия маскани сифатида фақат оила сақланиб, маҳалла ва таълим муассасалари йўналтирувчи масканга ўтиши керак;

фарзанд идеалида ота-она образини сақлаб қолиш даркор;

ёшлар тарбиясида мустақиллик ғоясини сақлаган ҳолда миллий хусусиятдан келиб чиқиб, тарбияни тизимли технологиялаштириш лозим;

таълим-тарбияга инновацион ёндашув: смартфонларда боғча ёшидагиларга бола ақлан ва руҳан ривожланиши учун АИ (сунъий интеллект) энага смартфон дастури (масалан: «Гапирувчи алифбо» дастури), мактаб ёшидаги бола-ўспиринларга мактаб фан дастурини тез ва қулай ўзлаштириш учун мактаб фанларини АИ (сунъий интеллект) амалий ўйин, овозли ва видео фрагментли смартфон дастури, ОТМ талаба-ёшларига фан дастурини тез ва қулай ўзлаштириш учун ОТМ фанларини АИ (сунъий интеллект) босқичма-босқич (step-by-step) ўрганиш ва кутубхона смартфон дастурларини яратиш зарур;

келажакда ўғил болалар тарбиясида намунали ота (куч-қувватли, чидамли, интизомли, масъулиятли, сабр-тоқатли) бўлиш хусусияти, қиз болада эса она бўлиш (латофатли, юмшоқ феълли, меҳрибон, нафосатли ва фаросатли) хусусиятини сақлашга эҳтиёж ортиб бормоқда;

талаба-ўқувчиларда янги ижтимоий идеал шаклланиши учун миллий ҳарбий ватанпарварлик мактаби, ёзги меҳнат-роҳат лагери, таълим-тарбияда психологик мотивация берувчи таълим формасини қўллаш керак (масалан: матрос ёки учувчиларнинг кейим-бош формаси);

оилада ота-она томонидан дастлабки китоб мутолааси, ўқишга бўлган муҳаббатни шакллантириш керак;

бугунги ёшларнинг ҳаётига босқичма-босқич кириб келаётган наркотик моддалар, порнографик маҳсулотлар, онлайн қимор, онлайн фирибгарлик ва онлайн видеоўйинлар ҳар нарсага қизиқувчи, ўрганувчи, талабчан ёшлар қатламини банд қилиб, ватанпарварлик кайфияти ва ижтимоий-психологик ҳолатини изидан чиқаришининг олдини олиш учун миллий халқ (жисмоний-руҳий) ўйинларини боғча, мактаб ва ОТМ дарс жараёнига амалий киритиш, ёшлар тарбиясида интерактив-ўйин орқали миллийлик руҳиятини шакллантириш мақсадга мувофиқдир.

Хорижий тажрибага мурожаат қиладиган бўлсак, ёшлар фалсафасида таълим ва тарбия таҳлил ва талқинлари Японияда асрлар давомида яшаб келаётгани, уларда миллий ўзлигини ва қадриятларини сақлаб қолиш ва авлоддан-авлодга етказиш учун «Шодо ва Хайку» шеърӣ санъатини дарс машғулотларидан ташқари ўргатилиши ғоят ибратлидир. Францияда таниқли архитекторлар мамлақати сифатида таълимда анъанавий дарс машғулотларидан ташқари ўқувчиларга дизайн ва меъморлик қобилятларини ривожлантириш учун тўғараклар ташкил қилинган. Италияда қўшимча дарслар ўтилиши таълим соҳасида ўзгача бўлиб, рассом ва хайкалтарошлар Ватани мақомини сақлаб қолиш учун ҳам дарс машғулотларидан кейин ўқувчиларга тўғараклар ташкил қилинади. Россияда тарихан мудофаа эҳтиёжи юқорилиги боис таълим тизимида харбий лицейлар фаолияти йўлга қўйилиб, ёшларда ватанпарварлик ва жанговарлик руҳини сақлаб қолиш учун қўшимча дарслар ташкил қилинади. Грузияда миллий руҳ ва ўзликни сақлаб қолишда Шота Руставелининг «Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон» асари белгилаб олинган, уни билмаган эр-йигит куёвлик синовидан ўтолмайди.

Оилавий тарбиянинг жамиятда йўқолиши ёшларнинг Ватанга садоқат кайфиятини сусайтиради. Эр-йигитлар агар харбий хизматга бормаса, давлатнинг мудофаа ва хавфсизлик борасида куч-қудрати пасайиши мумкин. Оилада қиз боланинг тарбияси сусайиб кетса, она бўлиш, ҳалол турмуш ўртоқ бўлиш кайфияти ҳам заифлашади. Шу сабабли, ёшларни оилада хушфеъл ва эзгу фазилатли қилиб тарбиялаш давлат сиёсати даражасидаги муҳим масала ҳисобланади.

Шу маънода, Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёев: биз яратаётган янги Ўзбекистоннинг мафқураси эзгулик, одамийлик, гуманизм ғояси бўлади. Биз мафкура деганда, аввало, фикр тарбиясини, миллий ва умуминсоний қадриятлар тарбиясини тушунамиз. Улар халқимизнинг неча минг йиллик ҳаётӣ тушунча ва қадриятларига асослангандир [7], деганда аввало ёшлар тарбияси назарда тутилган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. — Тошкент: Ўзбекистон, 2021. — 464 б.
2. Мирзиёев Ш. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2- жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2018.
3. Японларда болалар тарбияси қандай? URL: <https://farzand.uz/post/yaponlarda-bolalar-tarbiyasi-qanday> [murojaat sanasi: 05.12.2022]
4. Шавкат Мирзиёев: ёшлар тарбияси – энг муҳим масалалардан. URL: <https://soglom.uz/archives/8338> [murojaat sanasi: 05.12.2022]
5. “Overton oynasi” yohud “yo‘q qilish texnologiyasi” URL: <http://info.islom.uz/jamiyat/item/86-overton-oynasi-jo-ud-j-ilish-teknologiyasi.html> [murojaat sanasi: 05.12.2022]
6. Как правильно растит детей или секреты японского воспитания! URL: <https://hronika.info/obwestvo/21135-kak-pravilno-rastit-detey-ili-sekrety-yaponskogo-vospitaniya/> [murojaat sanasi: 05.12.2022]
7. Президент мамлакат мафқурасининг асосий ғояси нималардан иборатлигини маълум қилди. URL: <https://www.gazeta.uz/uz/2021/01/19/selector/> [murojaat sanasi: 05.12.2022]
8. Исоқов Б. Оила – жамиятнинг юраги. – Наманган: Наманган, 2018.
9. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. Т-ҳарфи. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2004.
10. Мирзахмедов Х.А. Ёшларнинг толерантлик маданиятини шакллантириш ва ривожлантиришнинг социологик таҳлили: социология фанлари бўйича (PhD) фалсафа докторлиги диссертацияси. – Тошкент, 2022.
11. Mirzahmedov X.A. Yoshlarda videoo‘yin deviantligi //Ижтимоий тадқиқотлар, 2023. – № 1-махсус сон. – Б.223-226.
12. Mirzahmedov X.A. Yoshlar sotsiologiyasi: ahloq transformatsiyasi //Zamonaviy dunyoning ijtimoiy manzarasi va jamiyat tuzilmalari

transformatsiyasi: mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferentsiya materiallar to'plami. – Toshkent: O'zMU, 2023 yil 25-may – B. 271-276.